

Умар ибн Абдулазиз



14:05 / 19.09.2025 2119

(халифалик даври: ҳижрий 99-101; милодий 717-719)

Умар ибн Абдулазизнинг халифалик даври Ислом тарихидаги энг гўзал, энг чиройли саҳифалардан биридир. У кишининг даврига келиб, Абу Бакр розияллоху анху ва ҳазрати Умар розияллоху анхуларнинг узилиб қолган тарихлари қайта тикланди десак, хато қилмаган бўламиз. Умар ибн Абдулазизнинг даври қисқа бўлишига қарамай, алоҳида аҳамиятга эга, асрларга тенг давр бўлди. Унда Исломнинг мусаффо ҳусусиятлари намоён бўлди. Бану Умайянинг даврида мана шу ҳусусиятлар кўринмай қолган эди.

Бу рошид халифанинг тўлиқ исми Умар ибн Абдулазиз ибн Марвон ибн Ҳакамдир. Унинг онаси Умму Осим бинт Осим ибн Умар ибн Хаттоб бўлган, яъни Умар ибн Абдулазиз она тарафдан ҳазрати Умарга туташар эди. Бу

зот халифа бўлишидан олдин Мадинага амир бўлиб, дабдаба ва маишатга кўмилган киши эди.

Умар ибн Абдулазизнинг халифалиги ва унинг амалга оширган энг муҳим ишлари

Умар ибн Абдулазиз амакиваччаси Сулаймон ибн Абдулмаликнинг тавсиясига биноан халифаликни қўлга олди. Бу иш кутилмаганда бўлди. Умар ибн Абдулазиз халифа бўлишни орзу қилмас, бунга интилмас ҳам эди. Лекин у киши халифа бўлгандан кейин ҳамма ишлар бошқа тарафга қараб кетди. У маишатни, роҳат-фароғатни батамом тарк қилди, обид ва зоҳид инсонга айланди. Ўзи учун, аҳли аёли учун ҳаддан зиёд мол-мулк сарфлашни бас қилди. Ўзи ва аҳли оиласи учун байтулмолдан бирор нарса олмайдиган бўлди.

Умар ибн Абдулазиз аёли Фотима бинт Абдулмаликдаги мол-дунёлар, жавҳарларни ҳам хазинага қайтариб берди. Шунингдек, Бану Умайядан уларга берилган ерлар ва ҳибаларнинг ҳаммасини байтулмолга топширди.

Умар ибн Абдулазизнинг даврида жуда катта ислоҳот ишлари бўлди: ерларни ислоҳ қилди, қудуқлар қазитди, масжидлар бино қилди, садақадан, закотдан тушган молларни ўз ҳақдорларига тарқатиб, камбағалликни бутунлай йўқотди. Ҳатто унинг даврида закот ва садақа оладиган одам топилмай қолди. Золим волийларнинг барчасини ишдан олди. Аҳли солиҳлиги, тақводорлиги учун бу халифа кўпчилик томонидан рошид халифалардан дея эътироф этилди.

Умар ибн Абдулазиз оз муддат халифалик қилган бўлса-да, жуда кўп ишларни амалга оширди. Хусусан, у киши ўзининг шахсий ва оилавий ҳаёти билан тилларда дoston бўлди. Ўзи илми одам бўлгани учун илмга ва илм аҳлига алоҳида аҳамият берди.

Ҳижрий I асрнинг охирида халифалик қилган, кўпчилик томонидан «бешинчи рошид халифа» дея тан олинган Умар ибн Абдулазиз Ибн Шихоб Зухрий ва бошқа муҳаддислардан омма учун ҳадисларни жамлаб китоб ёзишни сўради. Ибн Шихоб Зухрий содда қилиб бир китоб таълиф қилди. Бошқалар ҳам унга эргашдилар. Расмий равишда ҳадис китоблар ёзиш шундан бошланди.

Умар ибн Абдулазизнинг халифалик давларида кенг ҳудудли Ислom давлатида катта миқдорда закот моллари тўпланган, лекин закот оладиган одам топилмай қолган. Бу эса ўша давлатдаги ҳар бир оила закот

бериш даражасига етган, деганидир. Шунда уламолар йиғилиб, тўпланган закот молларини «Аллоҳнинг йўлида» деган бандга мувофиқ, Африкада Исломни тарқатиш ишларига сарфлаш керак, деган фатво чиқарганлар.

Мулоҳаза қилинадиган бўлса, шу қадар катта ҳудудга эга бўлган давлатда закот олишга ҳақли одам топилмаслиги нодир ҳолатдир. Бу мазкур бепоён давлатда истиқомат қилувчи барча одамлар йил давомида саксон беш грамм тилла миқдоридан зиёд жамғармага эга бўлган деганидир. Бундай иқтисодий тўкинчилик инсоният тарихида мисли кўрилмаган ҳолатдир.

«Ислом тарихи» иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 14 мартдаги 03-07/1733-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.